

Дунё адабиёти хазинасидан
Аҳмад Лутфий Қозончи

**БИР ВИЖДОН
УЙФОНУР**
(роман)

Роҳила РЎЗМОҶОВА
таржимаси

Тошкент
"Истиқлол"
2006

"Қайнона", "Ўғай она" каби романлари билан китобхонларимиз қалбидан жой олган Аҳмад Лутфий Қозончининг ушбу романида нур ва соя кураши, ҳакалак отган нафси аммора билан собит қаноат аро зиддият, қуюндай босиб келган қабоҳат билан нурдай покиза эзгуликнинг моҳияти ёритилиб берилган. Асарда гуноҳи азим ўпқонига қулаган ота фожиаси, йўқчагина жисмига улуғ тоғдай сабр-тоқатни жо эта олган онанинг изтироблари, қалби кўр ота билан итоатгўй она орасида сарсон-саргардон боланинг руҳий изланишлари тасвирланган.

Асар китобхонда нурли, покиза бир туйғу уйғотади. Киши беихтиёр ўйлаб кетади: бузилиб кетаётган дунёни поклик, ҳалоллик, қаноат, меҳр-оқибат асл ўзанга солиши мумкин. Мазкур роман ўз китобхонини топишига ишонамиз.

Сўзбоши муаллифи:
филология фанлари доктори, профессор
Абдуғафур РАСУЛОВ

Муҳаррир:
филология фанлари доктори
Баҳодир КАРИМОВ

Тақризчи:
филология фанлари номзоди
Абдумурод ТИЛАВОВ

Мусахҳиҳа:
Севара ПЎЛАТОВА

ҚАДР КЕЧАСИДАГИ БИР МУЪЖИЗА

XX аср ўзбек адабиётининг донишманд шоирларидан ҳисобланмиш Мақсуд Шайхзода ёзган эди... "...товушлар бутун оламдан, сувдан, ойдан, қишдан, кўкламдан, диёрлардан, азиз ўлкамдан хуш келгайлар шоир дилига, гўзалликнинг иш артелига" ("Шоир қалби жаҳонни тинглар") Менимча, XX асрнинг охирию XXI аср бошларида ҳар бир ўзбек китобхони қалбига-гўзалликнинг иш артелига" бунчалик кўп, бунчалик ҳўб бадиий асарлар кириб келмаган. Фридрих Нитше, Пауло Коэльо, Эдгар По, Пу Сунънинг, Габриель Маркес, Улов Хауче, Радек Йон, Хута Гагуа, Явуз Баҳодир ўғли, Василий Шукшинларнинг ҳар бири олам аро олам яратганлардан.

Жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш ўнлаб таржиймонлар учун ижод, маҳорат мактаби бўлмоқда. Таржиймонлар орасида Қодир Мирмуҳамедов, Иброҳим Фафуров сингари: пирлардан тортиб Олима Набизода, Роҳила Рўзмонова, Гулчеҳра Мамажон сингари "гўзалликнинг иш артелига" ilk маҳсулотларини топшираётганлар ҳам бор.

Роҳила Рўзмонова эзгу ният билан Аҳмад Лутфий Қозончи романини таржима қилиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола қиляпти. "Бир виждон уйғонур" номли асар дидактик-маърифий мавзуда. Дарвоқе, бундан 15-20 йил муқаддам социалистик реализм методиди яратилган асарларни ўқишга мажбур қилинган китобхон бугун дунёвий, тасаввуфий, фантастик асарларни ўқимоқда, ўзлаштирмоқда.

Аҳмад Лутфий Қозончи-бугунги турк адабиётининг оқсоқолларидан бири. У ҳар бир мутафаккир сингари оламу одамнинг ўсиш, ўзгаришларини козик кузат-

моқда. Унинг, "Бир виждон уйғонур" романида тас-
вирланишича, оламни хаосдан, инсонни чигаллик-
лар гирдобидан соф эътиқодгина олиб чиқади. Ро-
манда нур ва соя кураши, ҳакалак отган нафси ам-
мора билан собит қаноат аро зиддият, қуюндай бо-
сиб келган қабоҳат билан нурдай покиза эътиқод-
нинг моҳияти ёритилиб берилган. Асарда гуноҳи азим
ўпқонига қулаган ота фожиаси, йўқчагина жисмига
улуғ тоғдай эътиқодни жо эта олган онанинг изти-
роблари, қалби кўр ота билан итоатгўй она орасида
сарсон-саргардон боланинг руҳий изланишлари тас-
вирланган. Сурури бей шайтоннинг малайи бўлиб
ўтди: на динни-диёнатни, на покиза аёлини, на бе-
баҳо неъмат-ёлғиз ўғлини қадрламади. У туну кун,
қишин ёзин ичди, оғзидан атрофдагилар кўнглини
вайрон қиладиган емирувчи сўзу гапдан бошқаси чиқ-
мади. Даҳшатлиси шундаки, у нурдай покиза аёли-
ни, фариштадай бегуноҳ фарзандини ўз измига сол-
моқчи бўлди. Аёли-Садоқат хоним ақлли-ҳушли,
эътиқоду қаноатли эди: на уриш, на сўкиш, на дўқ-
пўписа уни заҳарлади. Бола оғзига эса заҳардай май
қўйилди, қулоқларига сўкиш, ҳақорат сўзлари жой-
ланди. Ҳаётнинг одил қонуниятини қарангки, бола
отасининг арағини ичди, эшитган сўкишларини ўз
эгасига қайтарди. Тумай шу даражага етдики, ота қабри
тепасида ўзи сингари ароқхўр билан маишат қилди,
қабрнинг тоза тупроғини ичкилик билан ҳаром қилди.
Саодат хоним эри туфайли кун кўрмаган эди. Ўғли
эридан бадтар бўлди. Бечора она куйиб-куйиб кул
бўлди. Суянган эътиқод, бебаҳо бойлиги-Қуръони
каримни бағрига босиб ҳаётдан кўз юмди.

Аҳмад Лутфий Қозончи романининг гўзал, ибратли
томони шундаки, Сурури бей ва Саодат хонимлар-
нинг ўғли Тумай қайта тирилади, инсонийлик йўли-

га киради. Романнинг энг қизиқарли жойи, менимча, Тумайнинг нурга, покликка, эътиқодга дуч келиши билан боғлиқ. Бўкиб ароқ ичган Тумай изғиб юраркан, юрак-бағри куяди-сув ичгиси келади. Ҳеч қаерда сув йўқ. Жоме масжидида чироқ порлаб ёниб турибди. Ўша ерда бўлиши аниқ. Аммо Тумай масжидга ёт одам: унинг отаси ҳам, ўзи ҳам Аллоҳнинг уйига қадам босмаган. Чанқоқлик шу даражага етадики, Тумай кўрқа-писа масжид ҳовлисига киради, тўйиб сув ичади. Қараса, ичкарида фаришта монанд одамлар ибодат қилмоқдалар. Унинг хаёлига чароғон масжид фариштадай одамлар жойлашиб қолади. У масжид атрофида юрган бир одамдан сўрайди:

-Ярим тунда одамлар масжидда нима қилиб юрибдилар? Нега ҳамма ёқда чироқлар ёқилган?

-Бугун қадр кечаси-ку...

Тумай қадр кечасида илк бор қалб кўзини очди, ақлини пешлади. Унинг руҳида янги бир ҳолат ниш ура бошлади.

Ичмасам нима бўларкин? Фариштадай одамлар ичмаганликлари боис Худонинг уйида эмин-эриш юрмаяптиларми? Тумайда ҳавас, орзу пайдо бўлади.

Муаллиф Тумай ўз исмини Мурод дея ўз қартирганини ёзар экан, қаҳрамон қайта туғилганидан хабар беради. Мурод ҳарбий хизматга боради: садоқат билан хизмат қилади, дўст орттириш ҳузурини туяди. У ҳалоликни бош мақсад, ҳаётининг маънос-мазмунни қилиб белгилайди. Пул, маълумки, ҳамиша инсонга панд берган. Лекин Мурод пулни ўз ўрнида ишлатиш билан обрў-эътибор топа боради. Ҳарбий хизматни биргаликда ўтаётган Салимга топган тугган пулини бериб, дўстини мушкул ҳолатдан қутқаради. Акиф бей пулини йўқотади. Ўша пулни толаб олган Мурод излай-излай бойлик эгасини топади,

омонатни топширади. Акиф бей Муродни фарзандай севиб қолади, дўконига ишга олади, сармояларини унга ишониб топширади.

Мурод ичиб, тентираб юрганида хизрдай покиза бир қария уни тўғри йўлга солмоқчи бўлган эди. Ниҳоят, ўша Иброҳим отани топди. Бечораҳол бу ота Мурод берган пулни сира олмайди. Йигит бу отахон ҳолидан ҳамниша хабар олиб туради.

Диёнат, поклик Муродга ҳалол, бокира қизни рўпара қилади. Фарида хоним қашшоқ яшади, йиртиқ кийим кийди. Аммо қизи Алияга гўзал тарбия берган эди. Акиф бей ўртада туриб, Алияни Муродга хотинликка олиб берди.

Роман китобхонда нурли, покиза бир туйғу уйғотади. Киши беихтиёр ўйлаб кетади: бузилиб кетаётган дунёни поклик, ҳалоллик, қаноат, меҳр-оқибат асл ўзанга солиши мумкин. Мазкур роман ўз китобхонини топишига ишонаман.

*Филология фанлари доктори, профессор
Абдуғафур РАСУЛОВ*

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

МУҚАДДИМА

Чекка қишлоқлар ва шаҳарлардаги айрим маҳаллаларда яшаётган болакайларнинг кўпчилиги тарбия нималигини асло билмайди. Куфр сўзларни айтиши, катталар ёнида сигарет чекиши табиий бир ҳолга айланган. Улар танбеҳ бериб, тарбияга чақирган катталарни сўкишдан, ҳатто тошбўрон қилишдан ҳам қайтмайдилар. Ўзларининг бемаъни қилиқларидан завқ оладилар. Булар вақти келиб отасига қўл кўтаради, беадаблиги билан ғурурланиб юради. Чунки улар кўча таҳсилани олаётган безори болалардир.

Бир авлод етишмоқда. Маданият ва техникадан бироз хабардор. Аммо ахлоқ ва фазилат, одоб ва тарбиядан мутлақо беҳабар... Аждодларидан олинган маънавий меросни унутган.

Бир қарасанг, ота ҳам, ўғил ҳам қилич кўтарган. Аммо фарқ шундай-бири Чаноққалъага хужум қилган душманларни даф этиб ҳурриятни сақлаб қолди, шарафли жанг қилди. Иккинчиси эса ўз ватанига қарши қилич кўтармоқда.

Гўзал ахлоқлари билан бутун инсониятга танилган буюк бир миллат бугун ўзини йўқотадиган ҳолга келиб қолмадими? Дарвоқе, бир силкиниб ўзига келгач, мен бундай эмасман, бундай бўлмаслигим керак, дермикин?

Бир кун келиб ҳозирги авлодлар ичидан ҳам "ақл ва виждон ҳукмига бўйин эгадиган мард бир отанинг ўғли", "тўпиғини ҳам бегонага кўрсатмаган

ҳаёли аёлнинг қизи" бўлишни шараф деб биладиган инсонлар етишиб чиқадими?!

Чексиз неъматлар эгаси Аллоҳнинг раҳматига ишонамиз, эл-юрт ва миллатни севамиз; бу миллатнинг аслига қайтиши ва шон-шарафлар билан яшашига умид қиламиз.

"Эй мулклар соҳиби Аллоҳим!

Сен мулкни ким сўраса, унга берасан. Мулкни кимдан истасанг, ундан олиб қўясан. Истаган кимсангнинг қадрини, шон-шухратини юксалтирасан.

Истасанг акси бўлади. Ҳар қандай эзгулик Сенинг қўлингда. Шубҳасиз, Сен ҳамма нарсага ҳақиқий Қодирсан".

"Кечани кундузга айлантirasан, Кундузни кечага алмаштирасан. Ўликни тирилтирасан, тирикни ўликка айлантirasан. Истаган кишингга чексиз ризқ ва неъмат берасан".

Қуруқ тупроққа ҳаёт бериб, ундан гул ва майсалар ундирган Аллоҳнинг раҳмати билан ўлик қалблар тирилади.

Аллоҳнинг чексиз карами ҳосиласи бўлган китобимиз сабабли кимдир тўғри йўлга кирса, мақсадимизга эришган бўлар эдик. Марҳамат, китобни ўқинг. Холис ниятли дўстларимизга тўғри йўлда муваффақиятлар тилаб қоламан.

Аҳмад Лутофий Қозоғчи

Эски масжиддан Болтали масжидига тўғри бориб, чап томонга қайрилган биринчи кўчанинг номи кулоққа ёқимсиз эшитилади-Дор кўчаси. Кимнинг ҳаёлига келган экан, бундай атамоқ, масалан унга Гул кўчаси деб ном берилса, гўзал бўларди, дея ўйлаганлар ҳам бордир.

Бу совуқ ном одамни қўрқитади, кўнгилларни вас-васага солади. Баъзан чироқсиз зим-зиё бу тор кўчадан ўтаётган киши: "Орқамдан биров келмаяптимикин?", - деган ваҳимага тушиши ҳам ҳеч гап эмас".

Ёмғирли кунларда бу кўчада юриш кони азоб.

Аммо ғира-шира қоронғу тушгач, шу кўчадан ўзгача бир завқ-шавқ билан ўтадиган бир одам ҳам бор. Бошига катта шапка кийган бу одамнинг бўйи паст, ўзи семиз ва елкалари бироз букри. Юзида қора доғлари бор. Бурни беўхшов, катта лунжлари осилган, ишончсиз, ўйноқи кўзлари кўм-кўк, чала-ярим қошлари сийрак ва бир қараганда бошдан ҳам каттадек таассурот берадиган кулоқлари катта кўринади. Булар унинг бошида кўрилган аниқ белгилар... Бундан ташқари унинг жуда ёқимсиз бир юриш тарзи бор-бошқаларни назарга илмагандек қадам ташлайди. Бу кимсанинг исми - Сурури бей. Ҳар оқшом қўлтиғига қисиб олган шишаси билан гавжум кўчаларга кирмай, шу Дор кўчадан ўтишни афзал кўради. Бу одам оғир, вазмин қадамлар билан, гўё орқасида хизматчилари елпиб келаётган вазирдек дабдабали ҳаракат этарди.

Баъзи одамларга фақат эгаллаб турган мансаб ва даражаси учунгина "бей" дейишади. Аслида ҳақиқий "бей"лик билан улар орасида жуда баланд қорли тоғлар борлигини ҳамма билади. Уларни номигагина бей

деб чақиршиганда ҳам: "Нимаси бей экан бунинг?" дея эътироз билдирувчилар топилади.

Сурури бей ҳам шундай бейлар тоифасига киради. Ҳеч ким унга чин маънода бу сифатни қўшиб чақирмайди. Жуда ярашади, деб ўйловчи ягона кимса ҳам унинг ўзидир. Аслида худди жонли ҳайкалга ўхшаш бу Сурурига бейлик ёки афандилик елимлаб ёпиштирилса ҳам ярашмайди.

Унинг ички дунёси, руҳи ва ахлоқи бейлик ва афандиликка худди ўт билан сувдек зид келади.

Бейлик Сурурининг катта шапкаси, дазмолланган қўйлагю бўялган туфлисига муносибдир, аммо ўзига, асло... Чунки, иши муттасил ичкилик ичиш, қимор ўйнаш ва ахлоқсизликнинг барча тури унга оид. Шунга қарамай яна бей, афанди аталар эмиш.

Бу ердаги ғариб одатлардан бири шуки, одамлар кийим-кечак ва зеб-зийнатга қўп эътибор қаратади. Биров кийган қимматбаҳо кийимлари учун ҳурмат қилинади. Агарда уларни эски кийимларда кўришса, эшикларидан қувиб солишлари турган гап.

Сурури бей жуда золим одам. Асоси сархушлик ва ахлоқсизликка таянган шу золимлиги сабаб саодат ва хуррият унинг уйида ҳам ҳибсга олингандир. Тўғрироғи, унинг уйида гўё ҳибс қилинган бир Саодат борки, барча тортган азобини эшикма-эшик айтиб чиқса қўпгина оилалар саодатдан маҳрум бўлиб қолишади. Ҳа, исми Саодат бўлган бу аёл, афсуски, бу дунёдан қидирганини тополмади, орзуларига эришолмади. Унинг золим эридан эшитмаган ҳақорати, чекмаган дарди қолмади. Агар Саодат хонимнинг ўрнида бирор сабр тоши бўлса, аллақачон бир неча марта-лаб чил-чил парчаланган ёки ювош бир қўппак бўлса, бу ҳақоратлардан, албатта, қутурган бўларди. Саодат Хоним эса чеккан азобларини ичига ютди, унсиз

йиглади ва фақатгина руҳи эшитадиган даражада ингради, холос.

Гоҳида у аллақачон суяклари ҳам чириб кетган отаси унга нима учун бу исмни қўйганини ўйлар, отасининг ойдин орзулари билан ўз ҳаёти орасидаги фарқни кўз олдига қиёслаб қийналарди. Отасининг бу орзуси ақалли бир марта тушида бўлса-да, ҳақиқатга айланишини жуда-жуда истарди. Аммо, ҳайҳот, бу кетишда, орзу ўз ҳолида қолиши аниқ. Кексайган сари яхшиланиб борар дея умид этилган Сурури бей кундан-кун қутурмоқда.

Сабр косаси тўлганда баъзан: "Отажон, тур мазорингдан, Саодат исмли қизингнинг ҳолига қара!" дея фарёд чекмоқчи бўлар, бироқ бу сўзлардан на ўзига ва на бошқаларга бирор фойда йўқлигини ўйлаб яна жимиб қоларди. Ёшлигида суянган дарахтлари бирма-бир қўпорилган эди, яъни отаси, онаси ва акаси аллақачон фоний дунёдан кўз юмиб, боқий оламга кўчган эди. Саодат эса яккаю ёлғиз... Бир эри бор. Ундан фақат зарар келади, яхши гап, бирор фойда кутиб бўлмайди. Қўйни пуч ёнғоққа тўлгани қуёш чарақлаб чиқишидек аниқ эди. Сурури бейдан яхшилик кутмаслик ҳақида истаганча гап айтиш мумкин эди.

Саодат хоним бу уйга келгандан бери бирон марта бемалол овқатланган эмас. Ота уйида кўрмаган, ҳатто номини ҳам эшитмаган ичкиликлар доимо дастурхонда қалашиб турарди. Бир-бирини қувиб ўтаётган йиллар, ой-кунлар уларнинг дастурхонига бирор хайрли ўзгариш олиб келган эмас. Аллоҳнинг неъматларига тўла дастурхон ўлакса ҳидни тарқатувчи шиша очилиши билан бутун файзини йўқотар, гарчанд қорни очиб турган бўлса-да, иштаҳаси бўғилган Саодат бир-икки луқма олар-олмас дастурхондан қўл тортишга мажбур бўларди.

Унга биргина нарса тасалли беради-ҳамма нарса-нинг, яхши-ёмоннинг ҳисоб-китоби бор... Ҳа, албатта, кўй ҳам, эчки ҳам ўз оёғидан осилади. Ҳар бир амал учун жавоби бериладиган кун келади. Шу боис Саодат хоним ҳар нарсага рози...

Бу уйда сабр тошларидан ҳам бардошли бўлишига мана шу фикр ва ишонч сабаб бўлганди.

Овқатдан сўнг ширакайф Сурури бей ёқимсиз ва ҳириллоқ овозда кўшиқ айтиб, кўшнилари безовта қилар, бу ҳол худди бойқушнинг сайроғига ўхшарди. Устига-устак, оғзидан турли куфр сўзлар чиқади. Бунга қандай дош бериш мумкин? Эрининг бу қилиқлари боис Саодат хоним кўшнилари юзига қаролмасди. Кўшнилари бу ахлоқсизликдан бир неча бор шикоят қилиб чиқишган, аммо буларнинг ҳеч бирини Сурури бей инобатга олмай, ҳар оқшом айна шу ҳолатни такрорлар эди.

Сурури бейнинг ақл-хушини жойига келтириш, оғзига тарсаки тушириб жимитишни ўйлашар, фақат иш чувалаб кетишини ўйлаган кўшнилари бошқа муаммоларга дуч келмаслик учун индамас эди. Кошки Сурури бей бу ҳолни тўғри тушунса, уларнинг ҳаракатлари кўрққанлари учун эмас, балки бир бало чиқмаслиги учун эканини ўйласа... Буларни ўйлайдиган мия қаерда? Хотинига жиндай раҳми келиб, бироз мурувват кўрсатадиган эркакми у? Сурури бейдан буни кутиш кундузи кўкдан юлдуз қидиришдек гап.

Уйда ҳам бемалол намоз ўқий олмайдиган Саодат хоним хотиржам ибодат этишни жуда-жуда истарди. Аммо унинг ибодатини кўрган Сурури бей ҳақоратлашга тушиб кетар, ўлиб кетган отасини сўкиб, қизга берган тарбияси учун гўрдан олиб гўрга тикарди. Саодат хоним эса сўнгги нафасигача Аллоҳга кул бўлиш тарбиясини олган, бу йўлда ҳар қандай

азият ва жафога бардош бериш йўлини танлаганди.

Сурури бей эса Саодат хонимнинг намоз ўқиши-ни маданиятдан ортда қолиш деб ҳисоблар, ибодат-ни кунда беш маҳал бемаъни ётиб туриш дея ақлига сиғдиролмасди. Маданиятли, замонавий инсон бўлиш керак, бунақанги қуруқ, бефойда фикрлар таъсири-да юриш, намоз ўқиш нимаси?!

Оҳ, муаммолар шу билан битса, кошки. Сурури бей ҳам бошқа замонавий маъмурларга ўхшаб хони-ми билан зиёфатларга бориб, кўчаларда кезишни ис-тарди. Аммо олам борган сари тараққиётга юз тутар экан, инсоният илғор ва замонавий яшаш тарзига ўтар экан, ҳижобга ўраниб олиб: "Ўлишимни билиб очиқ-сочиқ юриб нима қиламан?!" дегувчи хонимга гап уқтиришнинг имкони йўқ эди.

Сурури бей бу борада жон куйдириб, ширин уйқ-удан воз кечиб намоз ўқишнинг, ҳар иш орасида ҳам ўртага Аллоҳга бандалик фикрини тикиштириб, ётиб-туришнинг бефойдалиги ҳақида тили осилгудек бўлиб тушунтирмоқчи бўларди. Бироқ ҳам Саодат хоним-нинг: "Мен йўлимдан қайтмайман, гапиришдан фой-да йўқ" дейиши билан насихатлар ҳавога учарди. На-сихат билан ишнинг ҳал бўлмаганлигини кўрган Сурури бей усулни ўзгартирар, хоними ибодатга ки-риши билан ҳақоратни бошларди. Бироқ ҳеч нарсага эриша олмади. Баъзан Саодат хоним намоз ўқиётган-да атайлаб рўпарасидан ўтар ёки унинг қаршисида туриб олар, ёки намоз пайтида бирор ғавғо чиқариб, бақира бошларди. Сурури бей намозни ташлатишга муваффақ бўлмагач, умидини узди. Аммо бу умидни узиш Саодат хонимни ибодатда бемалол тинч кўйиш дегани эмасди. Сурурининг фикрига кўра, Саодат хоним одам бўлмайди, маданиятли кишининг хони-ми бўлишни ўрнига қўя олмайди. Уйга келиб, хо-

нимни жойнамоз устида кўрса, ҳақоратларини бошларди. Саодат хонимнинг эса ҳузур-ҳаловати бузилиб, яна виждони қийналарди.

Сурури бей аёлини ёнига олиб бошқа дўстларига ўхшаб сайр қилолмади. Шу ҳолатда узоқ қолиш ҳам мумкин эмасди. Шу боис, Оврўпо миллати аёлларини мисол қилиб, барча аёлларнинг уларга тақлиди ҳақида гапирарди. Ўзининг ҳам бошқа мансабдорларга ўхшаб керилиб юришга ҳақи борлигидан сўзларди. Маданий миллат бўлиш учун оврўполикларга хос кийиниш зарурлигини тушунтиришга ҳаракат қиларди. Аммо ўжар хотин бу гапларни эшитмайди. Эшитишни истамайди ҳам. "Маданиятли бўлиш менинг кийинишимга боғлиқ бўлса, илоҳим бўлмасин ундай маданият", дерди Саодат хоним. "Ор-номус ва ҳаёни бой бериш эвазига келадиган маданият кимга керак? Бошқалар билганини қилсин, хоҳлаганча юрсин, аврат жойларини яширмасин. Аммо мен бунга йўл қўймайман. Менга берилган тарбия бошқа". Саодат хоним Сурурига шу жавобни берарди.

Хотинини гап билан йўлга солиш имкони бўлмаётган кунлардан бири эди. Сурури бей ҳеч бир сабабсиз гавго кўтариб Саодат хонимга ташланди ва дарҳол аввалдан тайёрланган режасини ишга солди. Бу режа асосида уни зўрлаб бўлса-да, йўлга солишига ишонарди.

Намозшом вақти маҳалла масжидидан чиққанлар Сурури бейнинг уйидан келаётган дод-фарёдларни эшитиб тўхтаб қолишди. Яна жанжал бўлаётганди. Яна бу бечора аёл - Аллоҳ билади - зулмнинг қай тури билан юзма-юз келаётган экан. Шу маҳал бейнинг дарвозаси очилди. Аввал Сурури кўринди, орқасидан сочлари эрининг қўлларида чангалланган, ташқарига чиқмаслик учун фарёд чекаётган Саодат хонимнинг

гавдаси... Саодат хоним эшикка ёпишиб олган, аммо эрининг қўлларидаги сочлари ортидан судралишга мажбур эди. Ўзларига ҳайрат ва нафрат билан қараб турган одамларга қарата, худди ғолиб қўмондондек керилган Сурури бей хотинининг сочларини чангаллаганча шундай деди: "Гувоҳ бўлинглар, мен хотинимни боши очик ҳолда ташқарига олиб чиқдим..."

Шундан сўнг Сурури бей ўзининг қайсарлик қилаётган аёлини тепиб юборди. Бечора аёл ерга думалаб тушди. Маҳаллага шарманда бўлдим, дея андиша қилиб, қип-қизарган, сочларидан кўра виждон ва қалби азобланган Саодат хоним базўр ўрнидан турди. Буюк бир ғалабага эришдим ва энди ҳеч бир тўсиқ қолмади, деб шодланаётган эрига қараб: "Номусингни бир пул қилдинг разил, эшшак!" деганча уйига кириб кетди. Шу пайт Сурурининг бу бемаъни қилиқларига чидолмаган одамлардан бири:

- Бу ишни қилиш учун инсон одоб ва ҳаёдан буткул маҳрум бўлиши керак, - дейишдан ўзини тўхта толмади.

Сурури бей:

- Мен билан ишинг бўлмасин. Ҳазабимни қўзғаман, - деган жавобни берди. Ҳалиги одам нафрат билан:

- Қани кўрамиз, шу ғазабланиш қандай бўлишини ўргатаман, сенга! - деди.

Сурури бей сукут сақлашга мажбур бўлди. У ҳеч нарса демасдан ичкарига кирди. Ичкарига кирганда Саодат хоним қичқариб йиғларди. Сурури бей бунга эътибор бермади. Чунки уни илк йиғлатиши эмас, ҳатто, иккинчи, учинчи, бешинчи, ўнинчи йиғлатиши ҳам эмасди.

Ҳеч нарса бўлмагандек, совуққонлик билан:

- Мана хотингинам, энг катта тўсиқдан ҳам ўтиб